

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗАРОВА ФЕРУЗА ҒАЙБУЛЛАЕВНА

**ИММАНУИЛ КАНТ ЭСТЕТИКАСИДА ГЎЗАЛЛИК ВА УЛУҒВОРЛИК
КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Бозарова Феруза Гайбуллаевна

Иммануил Кант эстетикасида гўзаллик ва улуғворлик
категорияларининг трансформацияси..... 3

Бозарова Феруза Гайбуллаевна

Трансформация категорий прекрасного и возвышенного в
эстетике Иммануила Канта..... 21

Bozaroza Feruza Gaybullayevna

Transformation of kategoryes beauty and exated in aestetik of
Immanuel Kant 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗАРОВА ФЕРУЗА ҒАЙБУЛЛАЕВНА

**ИММАНУИЛ КАНТ ЭСТЕТИКАСИДА ГЎЗАЛЛИК ВА УЛУҒВОРЛИК
КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2018

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fa121 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fs-ik.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурматова Мукаррам Ахмедовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳайдаров Хуррам Фармонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Тўраев Бахтиёр Омонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети. Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

О.Д.Нишанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби

М.А.Нурматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё илмий ҳамжамияти томонидан Иммануил Кант эстетикаси умумбашарий тамойилларни ўзида мужассам қилган фундаментал таълимот сифатида эътироф этилган. Унинг миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида уйғунлаштирган гўзаллик ва улуғворлик, инсонпарварлик ва илмсеварлик, инсоний бурч ва ҳаётнинг асл маъноси борасидаги қарашлари бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган муаммолар, жумладан, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирига қарши курашда муҳим маънавий озуқа манбаи бўлиб хизмат қилади.

Жаҳонда глобаллашув туфайли содир бўлаётган туб ўзгаришлар силсиласи Шарқ ва Ғарб маданиятларининг соғлом интеграциясини тақозо этмоқда. Шу боис, бугун Иммануил Кант фалсафий таълимотининг генезиси, ривожланиш тенденциялари, «катъий императив»ларнинг ахлоқий мазмуни, уларнинг халқаро муносабатлардаги ўрни, соф гўзаллик ва улуғворлик инъикоси, ахлоқий-эстетик категорияларининг трансформацияси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда жаҳон илм-фанини яқиндан ўрганиш, тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, Германиянинг Гёте институти ташкил этилган, Бонн, Бохум, Бамберг университетлари билан маданий, фан ва таълим, илмий-техник, инновацион ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Германия академик алмашув хизмати, К.Аденауэр, Ф.Эберт, А.Гумболдт номидаги фондлар, «Инвент» жамияти, Герман-ўзбек илмий жамияти, «Wiedergeburt» олмон маданий марказининг ташкил этилиши ҳар икки мамлакат халқларининг илмий-маданий меросини аҳоли, айниқса, зиёли қатлам орасида кенг тарғиб қилишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда, мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб, фан ва таълим соҳасини янада ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шу боис, давлатимиз раҳбари нафақат замонавий фан йўналишларидаги янги билимлар ва назарияларни шакллантириш, балки амалий ва инновацион лойиҳаларнинг мустаҳкам методологик асосини яратишда, яъни, «илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этиши»¹ ҳамда дунёнинг ривожланган давлатлари билан «тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик учун ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигимизни»² алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –166 б.

² Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // - Тошкент, 2017. Халқ сўзи. № 196 (6860).

Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, шунингдек мавзуга оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, бадиий-эстетик тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғарбда Иммануил Кант фалсафий ижодини атрофлича ўрганган олимлар қаторига И.Ф.Герберт, С.Маймон, Г.Коген, П.Наторп, В.Виндельбанд, Г.Риккерт, Г.Файхингер, Э.Кассирер, Э.Гуссерль, М.Хайдеггер, Ч.С.Пирс, Л.Витгенштейн, К.О.Апель, П.Стросон, У.В.О.Куайн каби файласуфларни киритиш мумкин. Кейинчалик, файласуфнинг ҳаёт йўли ва илмий-фалсафий меросини ўзида акс эттирган фундаментал тадқиқотлар К.Поппер, М.Фуко, И.Шульц, И.С.Нарский, В.Ф.Асмус, А.А.Белый, Ж.М.Кембаев, Т.И.Ойзерман, Л.А.Сусловлар томонидан амалга оширилган³. Мазкур тадқиқотларда асосан И.Г.Мейер, И.Г.Лессинг, Ж.Руссо, Д.Дидро, Д.Юм фалсафасининг Иммануил Кант таълимоти шаклланишига таъсири ҳамда унинг бошқа кўплаб файласуфлар, масалан, Ф.Шиллер, Ф.Шеллинг, Ф.Гегел, К.Юнг қарашларига таъсири тадқиқ этилган. Бироқ мазкур файласуф олимлар изланишларида гўзаллик ва улуғворлик категориялари трансформацияси ҳамда унинг санъат ва носанъат объектларини эстетик идрок қилишдаги ўрни ҳамда аҳамиятига муносабат билдирилмаган.

МДХ доирасида Иммануил Кантнинг «Танқидий давр»да ёзган асарларини эстетик нуқтаи назардан ўрганган олимлар қаторига М.Н.Афасижев, Е.Я.Басин, В.Ф.Асмус, М.К.Мамардашвили, В.С.Соловьев, А.В.Гулига, С.Н.Мареев, Е.В.Мареева, Э.В.Барбашина, А.А.Туманов, И.А.Батракова, М.Ю.Васильева, А.М.Сологубов, Е.А.Соболевларни киритиш мумкин. Аммо улар гўзаллик ва улуғворлик категорияларининг трансформациясини, Кант таълимотининг Шарқ мутафаккирлари эстетик қарашлари билан муштарак жиҳатларини тадқиқ этмаганлар.

Ўзбекистонда Иммануил Кант эстетик меросини ўрганишга бағишланган махсус илмий тадқиқотлар олиб борилмаган бўлсада, лекин И.С.Саифназаров, Ж.Маҳкамов, Э.Умаров, А.Шер, Б.Ҳусанов, М.Абдуллаева, В.Алимасов, Г.Қобулниёзова, Г.Рўзматова,

³Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

Ш.Қахҳороваларнинг илмий тадқиқотларида илгари сурилган қарашлар унинг фалсафий таълимоти ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Шунингдек, А.Саидовнинг «Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция», «Педагогика тўғрисида», «Ҳуқуқ метафизикаси, давлат ҳуқуқи, ҳуқуқ ва адабиёт», Ф.Мухитдиновнинг «Бозор ва ҳуқуқ, Адам Смит ва Иммануил Кант: назарий ғоя ва қарашлар муштараклиги», М.Н.Болтаевнинг «Иммануил Кант трансцендентал фалсафасининг асосланиши» каби асарлари файласуфнинг ахлоқий-ҳуқуқий таълимоти, «коперникона инқилоби», трансцендентал эстетика, диалектика, этика ҳақидаги фалсафий таълимотларини ёритилишига хизмат қилган. Аммо, қайд этиш лозимки, шу кунга қадар Иммануил Кант таълимотидаги гўзаллик ва улуғворлик категорияларининг трансформацияси, унинг ўзбек ёшлари эстетик онгини ривожлантиришдаги ўрни, шунингдек, тарбиявий аҳамияти тўлиқ ва атрофлича очиқ берилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Эстетика назарияси ва тарихи масалалари» ҳамда «Амалий эстетика ва унинг ҳозирги замон таракқиётидаги ўрни» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Иммануил Кант эстетик таълимотидаги гўзаллик ва улуғворлик категорияларининг трансформациясини илмий-фалсафий нуқтаи назардан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий ва маҳаллий олимлар изланишларидан келиб чиққан ҳолда Иммануил Кант эстетик дунёқараши шаклланиши ва эволюциясини очиқ бериш;

Иммануил Кантнинг эстетик назариясида гўзаллик ва улуғворлик категориялари ўзгаришининг концептуал асосларини фалсафий нуқтаи назардан асослаш;

ислом эстетикаси ва Иммануил Кант қарашларидаги фарқли жиҳатлар ҳамда ўзаро яқинликни эмпирик далиллар орқали асослаш;

Иммануил Кант қарашларидаги нафис санъатлар таснифини илмий-танқидий ёндашув асосида очиқ бериш;

ёшларнинг эстетик тафаккурини юксалтиришда Иммануил Кант маънавий-ахлоқий меросининг аҳамиятига доир илмий-назарий хулосалар, тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Иммануил Кантнинг фалсафий-эстетик таълимоти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Иммануил Кант эстетик таълимотида гўзаллик ва улуғворлик категорияларининг трансформациясидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимли ёндашув, диалектика, синергетика каби методларига таянилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Иммануил Кант фалсафий таълимотида эстетик завқ рефлексив идрок этилувчи соф гўзаллик ва улуғворлик асосида юзага келиши ҳамда унинг аксиологик, психологик, ўз-ўзини англаш, шахслараро ва институционал муносабатларни барқарорлаштириш ва бошқариш хусусияти феноменологик ёндашув асосида очиб берилган;

Иммануил Кант таълимотидаги гўзаллик ва улуғворлик мегакатегорияларининг «мақсадсиз мақсадга мувофиқлиги», «манфаатсизлиги», «тушунчаларга асосланмаслиги», «умумаҳамиятлилиги» ахлоқий-эстетик жиҳатдан асосланган;

Иммануил Кант эстетик таълимотидаги гўзаллик ва улуғворлик категориялари Шарқ илмий меросининг билвосита таъсирида трансформацияга учрагани аниқланган ҳамда файласуф ғояларининг шарқ олимлари эстетик қарашлари билан муштарак жиҳатлари очиб берилган;

Иммануил Кант трансцендентал эстетикасидаги соф гўзаллик ва улуғворлик категориялари асосида ёшларда «оммавий маданият» кўринишидаги ғайриэстетик таҳдидларга қарши маънавий иммунитет ҳосил қилишнинг фалсафий асослари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Иммануил Кант эстетик назариясидаги гўзаллик ва улуғворлик категорияларининг субстанциал асоси, уларнинг трансцендентал контекстдаги алоқадорлиги очиб берилган;

Иммануил Кант фалсафий-эстетик таълимотидаги гўзаллик ва улуғворлик мегакатегорияларининг асосий компонентлари асосланиб, улардан миллий тарбия тизимини юксалтиришда фойдаланишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган фалсафий-эстетик ғоялар, умумлаштирилган илмий хулосалар нафосат, ахлоқ, маданият, санъат, маънавият муаммоларини ёритишга йўналтирилган тадқиқотларнинг илмий-методологик асосини бойитишга хизмат қилиши билан асосланади. Шунингдек, илмий хулосалардан «Олмон мумтоз даври эстетикаси», «Ғарб эстетикаси» мавзулари бўйича махсус курслар тайёрлаш, илмий семинарлар ташкил қилиш ҳамда халқаро миқёсдаги симпозиумларни ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган амалий таклиф-тавсиялардан музей, галерея, кўргазма заллари, халқ ижодиёти уйлари, маданият саройлари, ижодий уюшмалар фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иммануил Кант эстетик таълимотидаги гўзаллик ва улуғворлик категорияларининг трансформацияси доирасида ишлаб чиқилган фалсафий-эстетик таклифлар асосида:

Иммануил Кант фалсафий таълимотидаги соф эстетик завқ ҳамда унинг аксиологик, психологик, ўз-ўзини англаш, шахслараро ва институционал муносабатларни барқарорлаштириш ва бошқариш хусусиятига оид таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган «Ёшлар – келажак бунёдкори» I Республика ёшларининг ижодий ишлари кўргазмасида фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2018 йил 17 январдаги 04-13/215-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ёшларда миллий ғурурни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигининг самарали тизimini яратиш имконини берган.

Иммануил Кант таълимотидаги гўзаллик ва улуғворлик мегакатегорияларининг «мақсадсиз мақсадга мувофиқлиги», «беғаразлиги» ҳамда юксак маънавият ва гўзал ахлоқни тарбиялашга оид илмий таклифлардан Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ўтказилган «Юксак маънавиятли авлод» республика фестивалининг худудий ва республика босқичларида фойдаланилган (Республика Маънавият тарғибот марказининг 2017 йил 8 апрелдаги 01/03-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши халқимиз, жумладан, ёшларда соф эстетик дид, гўзал ахлоқни шакллантириш ҳамда бадиий-эстетик фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Иммануил Кант эстетик таълимоти шарқ илмий меросининг билвосита таъсирида трансформацияга учрагани ҳамда гўзаллик ва улуғворлик мегакатегорияларининг ахлоқий-эстетик жиҳатлари, уларнинг «оммавий маданият» кўринишидаги ғайриэстетик таҳдидларга қарши курашдаги самарали таъсирига оид таклиф ва тавсиялардан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланилган (Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2017 йил 6 июлдаги 250-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши халқимизда миллий ғурурни шакллантириш, ёшларнинг эстетик маданиятини ошириш, маънавий эҳтиёжини сифатли қондиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола (8 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иммануил Кант эстетикасини тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари**» деб номланган биринчи бобида файласуф эстетик қарашларининг шаклланиши ва эволюцияси, олмон мумтоз эстетикаси ривожда Иммануил Кант субъектив идеалистик таълимотининг ўрни, файласуф қарашларининг Шарқ эстетикаси билан муштарак томонлари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Инсониятга «маънавий камолот ва ахлоқ қонунчилиги тамойилларини ўргатган»⁴ Иммануил Кант ижоди олмон мумтоз эстетикасининг шаклланишида муҳим илмий-амалий аҳамият касб этган. Ўз навбатида, файласуф қарашларининг юксалишида унга қадар бирмунча шаклланган эстетика илми намояндалари Афлотун, Арасту, И.Г.Мейер, И.Г.Лессинг, И.Г.Зульцер, М.Мендельсон, Ж.Ж.Руссо, Д.Дидро, Д.Юм, А.Шефстбери ва Ф.Хатчесон сингари нафосатшунос файласуфларнинг ҳиссаси катта бўлган. Олим танқидий фалсафасининг шаклланишида Жан-Жак Руссо ва Девид Юмнинг ижоди алоҳида ўрин тутган. Руссо Кант учун «Иккинчи Ньютон»дек қадрли бўлган. Чунки, айнан Жан-Жак Руссонинг маърифатпарварлик таълимоти файласуфнинг инсон қалби сирларини янада чуқурроқ идрок этишига замин яратган. Машҳур шотланд файласуфи Дэвид Юм асарларини мутолаа қилиш орқали эса у «догматик уйқу»дан уйғонганлигини тан олади⁵. Ўз навбатида, файласуф Давид Юмга ўхшаб ақл-идрок орқали олинган турли даражадаги билимларни қандай бўлса шундайлигича, танқидий таҳлил қилмасдан қабул қилавериш нотўғри деб ҳисоблаган. Иммануил Кант қарашлари Ф.Шиллер, Ф.Шеллинг, Г.Гегель ва бошқа кўплаб файласуфлар ижодига кучли таъсир қилган. Мазкур файласуфларнинг эстетик қарашларида муайян маънодаги ворисийлик кузатилсада, айти пайтда, уларда маълум зиддиятлар ҳам мавжуд.

Тадқиқотчилар томонидан Иммануил Кант ижоди шартли равишда: «Танқидгача» ва «Танқидий» даврларга ажратиб ўрганилади. «Танқидгача» бўлган даврда файласуф «Ер ўз ўқи атрофида айланаётиб ўзгариб турадимми?» (1754й.), «Умумий табиий тарих ва осмон назарияси» (1755й.), «Зилзила сабаблари ҳақида» (1756й.), «Табиий теология ва ахлоқ тамойилларининг ҳаққонийлигини тадқиқ этиш» (1764й.), «Гўзаллик ва улуғворлик туйғулари борасидаги кузатишлар» (1764й.), «Метафизик орзулари билан

⁴ Саидов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. – Тошкент, 2012. Niso-Poligraf. – 22 с.

⁵ Кант И. Собр.соч.в 8-ми томах. 1 т. –Москва: Чоро, 1994. – 11 с.

тушунтирилган руҳоний орзулари» (1766й.) ва бошқа, асосан табиий-илмий мавзулардаги асарларини ёзган. Бундан ташқари, «Метафизик билишнинг дастлабки тамойилларини янгича ёритиш» номли габилитация (1755й.) шунингдек, «Хиссиёт ва ақл орқали билиш мумкин бўлган олам шакллари ҳамда тамойиллари ҳақида»ги (1770й.) инаугурация диссертацияларини ҳимоя қилади.

Юрист ва файласуф А.Саидов: «Кант ўзини ўзи яратган, шунинг учун ҳам у бетакрордир»⁶, деб ёзади инаугурация диссертациясида файласуф ўзи билдирган барча фикрларини танқидий таҳлил қилган. Шу боисдан ҳам кантшунос олимлар томонидан мазкур диссертация «Танқидгача» бўлган даврдан «Танқидий» даврга «ўтиш кўприги» сифатида баҳоланади. Бироқ, бизнингча, мазкур диссертациядан олдин ёзилган «Гўзаллик ва улуғворлик туйғулари борасидаги кузатишлар» (1764 й.) асари, айнан шундай «ўтиш кўприги» сифатида аҳамият касб этади. Чунки, бунда файласуф инсон тафаккурида олам манзараси, гўзаллик ва улуғворлик туйғуларининг субъектив инъикос этиши ва априори мавжудлиги ҳақидаги субъектив идеалистик мазмундаги фикрларини баён қилган.

«Танқидий» даврда файласуф учта йирик танқидий асарларини, яъни «Соф ақлнинг танқиди», «Амалий ақлнинг танқиди», «Муҳокама қобилиятининг танқиди» асарларини ёзади. Дастлаб, «Соф ақлнинг танқиди»да у эстетик муаммоларни назарий-фалсафий жихатдан ўрганиб бўлмайди, деб ҳисоблаган. Гўзаллик тамойиллари унинг фикрича, эмпирик характерга эга. Шунинг учун у «Эстетика» деб, априор ҳиссиётларга асосланиб билиш мумкин бўлган замон ва макон ҳақидаги таълимотини назарда тутган. Аммо, 1787 йилда И.Кант ўз дўсти К.Рейнгольдга ёзган хатида «Дид танқиди» борасидаги асар ёзганини, инсон маънавий фаолиятига доир янги ва умуминсоний тамойилни кашф қилганлигини маълум қилади⁷. Бу асарда Иммануил Кант эстетик таълимотининг асосини ташкил қилган завқланиш ва завқланмаслик туйғулари ҳақида гап борган эди. Айни шундай, эстетик ҳиссиётлар ҳақида анча илгари яшаган Муҳаммад Ғаззолий (XII а.) ҳам ўз фикрини билдирган эди: «Идрок қилинадиган нарсалар қуйидаги ҳолатларда бўлади: ...идрок қилувчига лаззат беради; унинг табиатига мувофиқ келмайди, лаззат бермайди, алам-оғриқ беради. Алам ёки роҳати идрок этилмайдиган ҳеч бир нарса маҳбуб бўлиш ёки ёмон кўриш билан сифатланмайди».⁸ Демак, дастлаб, Шарқда кейинроқ Ғарбда воқеликни (эстетик) идрок қилиш асосида айнан завқланиш ёки завқланмаслик ҳиссиётлари (Ғаззолийда – лаззатланиш ёки лаззат олмаслик) ётиши, яъни билишда субъективликнинг бирламчи бўлиши асосланган. Бу тамойил Кант фалсафий таълимотини аниқ чегараларини белгилаб олишига хизмат қилган. Мазкур таълимот билиш, баҳолаш (завқланиш ёки завқланмаслик ҳиссиётлари асосидаги) ва ирода-иҳтиёр каби инсон маънавий қобилиятларини уйғунликда

⁶ Саидов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. – Тошкент, 2012. Niso-Poligraf. – 23 б.

⁷ Reinhold C.L. Ueber das Fundament philosophischen Wissens. – Jena, 1999. – 23 p.

⁸ Ғаззолий А.Х. Ихйоу улум ид-дин. Мухаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. –Тошкент: Мовароуннахр, 2005. –13 б.

амал қилишини фалсафий асослашга қаратилган.

Бизнингча, файласуфнинг билишда ақл фаоллигини кашф қилиш билан боғлиқ «Танқидлар»и ёки унинг ибораси билан айтганда, «Коперникона тўнтаришидан» бошлаб, Ғарб фалсафий тафаккури ҳозирга қадар Кант асослаб берган йўналишда ривожланиб бормоқда. Бунда мутафаккир томонидан атрофлича таҳлил қилинган, субъектив қобилиятларнинг бирламчилигига таяниб, фалсафанинг гносеология, мантиқ, ахлоқ, эстетика соҳаларида муҳим илмий-назарий янгиликлар кашф қилинганлиги эътиборлидир. Шундай қилиб, бизнингча, файласуф ижодининг оламшумул аҳамиятини инобатга олиб, Ғарб эстетик тафаккури тараққиётини шартли равишда «Танқидларгача бўлган давр» ва ҳозирги кунгача давом этиб келаётган «Танқидлардан кейинги давр»га ажратиш ўринли бўлади.

Диссертацияда Иммануил Кант субъектив идеалистик таълимотининг олмон мумтоз эстетикаси ривожланишига таъсири фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган. Мутафаккирнинг «Муҳокама қобилиятининг танқиди» асарида мақсадга мувофиқлик ҳақидаги эстетик таълимоти ўрин олган. Унда гўзаллик ва улуғворлик, мақсадга мувофиқлик, инсоннинг трансцендентал табиати, унинг назарий ақлидан мустақил, тафаккури билан эмас қалби ва эътиқоди ҳамда абадият ғоялари билан боғлиқ бўлган *априор* қобилияти ҳақида фикр юритилган.

Олмон мумтоз эстетикаси намоёндаси Фридрих Шиллерга Иммануил Кант қарашларининг таъсири кучли бўлган. Шиллер Кант каби гўзалликни тушунтиришда қисқача хулоса қилади. «Гўзаллик – субъективдир, масалан ёқимлиликдан (Шиллер бу жиҳатини батафсил ўргангани) фарқли у манфаат ва мойилликдан маҳрум...»⁹. «Гўзаллик ва улуғворлик ҳақидаги муҳокама – априордир; гўзаллик, шунингдек ахлоқий эзгулик тимсолидир»¹⁰, каби қарашларида Кантнинг таъсири яққол кузатилади. Бизнингча, Кантнинг Фридрих Боутервекка нисбатан «Ўз ғояларимни кенг тарқатиш учун мен ҳар доим шоирона табиатли, соф ақл тушунчаларига мос равишда оламнинг жонли манзарасини ярата олиш қобилиятига эга бўлган шогирд ҳақида орзу қилганман, аммо уни тезда топишимга ишонмагандим», - деган эътирофига амалда Фридрих Шиллер лойиқ бўлган.

Бошқа мумтоз файласуф Фридрих Шеллинг эстетикаси маълум маънода романтикага яқинлиги билан Кант рационал эстетикасидан ажралиб турсада, унинг гўзалликнинг «мақсадсиз мақсадга мувофиқ» бўлиши ҳақидаги ғояси Шеллингда «чекланганликда чексизликнинг ифодаланиши»¹¹ сифатида талқин этилган. Аммо, у Кантнинг хунуклик образи борасидаги қарашларига қарши чиқади, чунки Шеллинг «Тасвирий санъатда, қарама-қарши образларни акс эттириш орқали тубанлик тасвирланиши ва тарғиб этилиши мумкин», - деб хавфсирайди. Бизнингча, асар қаҳрамонига нисбатан ижобий таассурот уйғотиш мақсадида хунуклик образидан фойдаланиш мумкин, бундай образлар воситасида ёвузлик нима ва у қандай намоён бўлишини

⁹ Шиллер И.Х.Ф. Собр. Соч. в 2 т. - Т. 7. Москва, 1998. – 97 б.

¹⁰ Ўша манба – 99 б.

¹¹ Шеллинг Ф.В. Философия искусства. -Москва: Мысль, 1999. – 608 с.

билиш, ёвузлик билан «танишиш» имкони бўлади, шу орқали гўзалликнинг моҳияти ва қадри чуқурроқ англаб етилади.

Олмон мумтоз эстетикасининг энг ёрқин намояндаларидан бири Георг Вильгельм Фридрих Гегел Кантнинг трансценденталлик, субъектив идеализм ғояларидан ижодий фойдаланган. Бироқ, Кантдан фарқли ўлароқ Гегел учун гўзаллик ҳақиқатдан кейин, иккинчи даражали аҳамият касб этади. Бизнингча, эса гўзаллик категорияси рационал ва иррационал билишга асосланувчи ўзига хос ва буюк ҳақиқат бўлиб, уни эстетик муносабатсиз ва билимсиз табиатда ҳам, инсонда ҳам кўриб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Диссертацияда Иммануил Кант қарашларининг Шарқ эстетикаси билан муштарак жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлиши аниқланган:

Иммануил Кант Гердер билан баҳсида Ибн Рушднинг: «Ҳар биримизда индивидуал руҳдан ташқари, умумий руҳ ҳам мавжуд бўлади», деган ғоясини юксак баҳолаган. Бизнингча, Кантнинг трансцендентал таълимоти асосида ибн Рушднинг айнан мана шу ғояси ётади. Файласуфнинг трансценденталликка «у, индивидуал хусусият бўлиб, инсонга эмас, бутун инсониятга нисбатан индивидуалдир» - деган таърифи бунинг яққол далилидир. Бироқ, бу Кант, Шарқни улуғлаш ва кўкларга кўтариш йўлидан борган деган хулосага келмаслик керак. Аксинча, у «Фалсафа тарихи ҳақидаги қисқа очерк»да «форслар ва араблар ақлини муайян маънода спекулятив қўллашга ҳаракат қилганлиги кўринсада, уларда ва Зороастрнинг «Зендавеста»сида фалсафанинг изини ҳам топиб бўлмайди»¹², - дея салбий баҳо берган. Аммо, биз Кантнинг эстетик қарашларида, айнан, мусулмон Шарқи алломалари фикрларига муштаракликни кузатиш мумкин. Биринчидан, Кантнинг «Коперникона тўнтариш»и деб номланган инқилоби Ислом метафизикаси постулати, яъни «олам иллюзиялардан иборат»лигини, унинг ўткинчи ва ўзгарувчанлигини асослаш орқали амалга оширилган, деб ҳисоблаш мумкин. Иккинчидан, файласуф соф гўзалликнинг тўрт хил белгисини келтиради, улар орасида манфаатсизлик хусусиятига алоҳида урғу беради. Лекин, Ғаззолийнинг қадриятлар силсиласида Оллоҳга муҳаббатдан кейинги, иккинчи ўринни эгаллайдиган «Гўзалликка муҳаббат»нинг манфаатсиз бўлиши XII асрдаёқ асослаб берилган. Олмон файласуфининг гўзаллик ва улуғворликнинг мақсадсиз мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақидаги қарашлари эса Абу Наср Форобийнинг барчамизга маълум «Фозил одамлар шаҳри» асарининг «Оллоҳни зикр этиш баёни» бандида батафсил ёритилган. Демак, Кант асарларига Муҳаммад Ғаззолий ва Ибн Арабийнинг ўй, фикр ва мулоҳазалари асос бўлиб хизмат қилган, деган ғоя,¹³ шунчаки, «гўзал афсона»¹⁴ эмас.

Диссертациянинг «Гўзаллик ва улуғворлик категорияларининг трансформацияси ва унинг Иммануил Кант эстетикасида намоён бўлиш хусусиятлари», деб номланган иккинчи бобида Кантнинг гўзаллик ҳақидаги қарашларининг қиёсий таҳлили, унинг эстетик назариясида улуғворлик

¹² Кант И. Соч. в 8-митоммах. Т.8. – Москва: Чоро, 1994. – 283 с.

¹³ Керимов Г.М. Аль-Ғазали и суфизм. Баку, 1990. – С. 71-100; Ibn Arabi and Modern Thought. The history of Taking Metaphysics Seriously. Oxford: Peter Coates, 2002. – 43-50 p.

¹⁴ Саидов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. – Тошкент: Niso-Poligraf, 2012. –24 б.

категориясининг ўзига хос талқини ва даҳоликнинг улуғворлик феномени сифатида намоён бўлиши тадқиқ этилган.

Эстетик тафаккурнинг кўп асрлик тарихи гўзалликни тушунишга бўлган кўплаб уринишларнинг гувоҳи бўлган. Гўзаллик категорияси «Авесто»да «моддий дунё ва инсон диёнатининг тақводорлигини эстетик жиҳатдан баҳолаш мезони»¹⁵ бўлиб, хизмат қилади. Арастуда гўзаллик инсоннинг гўзал ижтимоий жиҳатлари, бурчга содиқлик ва шон-шуҳрат тимсолида, яъни ички ва ташқи ижобий хусусиятлар бирлиги сифатида намоён бўлади. Афлотун фикрича эса «мутлақ гўзаллик ғоялар оламида мавжуд»¹⁶. Ердаги гўзаллик унинг «соя»си, холос. Ундан фарқли ўлароқ, Шарқ алломаси Абу Наср Форобий гўзалликнинг асосини воқеликда, яъни табиат ва инсонда кўрган. У табиий уйғунлик тизимидаги ҳар қандай нарса универсал олам гўзаллигининг бир қисми бўлади, деб ҳисоблаган.

Жалолиддин Румийнинг гўзаллик борасидаги қарашлари ҳам ўзига хос бўлиб, у: «Улуғ тангри алдовчидир. У, гўзал шаклларни кўрсатиб синайди. Улар орасида ёмонлари ҳам бор»¹⁷, деб гўзалликнинг шаклий жозибаси асл моҳиятига зид бўлиши (ва аксинча, шаклан хунук нарса моҳиятан гўзал бўлиши)ни айтади. Бир қарашда Румий юқоридаги барча фикрларга қарши чиққандек кўринсада, аммо Кант каби у ҳам ўзингдаги ҳар бир фикр ва тасаввурга ишонма, бу хаёллар ҳақиқатни яширади деб, олам ва ундаги нарса-ҳодисаларга оқилона, танқидий ёндашиш лозимлигини, яъни уларнинг трансцендентал асосга эга эканлигини назарда тутган эди.

Шундай қилиб, Иммануил Кант ижодида гўзаллик ва улуғворлик ҳиссиёт, идрок ва ақлга асосланади. Эстетик идрок қилишда юзага келувчи завқ – эстетик баҳонинг умумий хусусияти ҳисобланади. У инсондаги завқланиш ва завқланмаслик ҳиссиётлари асосида юзага келади. Гўзаллик куйидаги тўрт хил белгисига кўра, субъект томонидан идрок этилади:

- манфаатсиз қизиқиш;
- умумаҳамиятлилик;
- тушунчаларга асосланмаслик;
- мақсадсиз мақсадга мувофиқлик.

Гўзаллик муҳокамаси тасаввур ва идрок билан нисбатланса, улуғворлик муҳокамаси тасаввур ва ақл билан нисбатланади.

Иммануил Кант учун гўзаллик таҳлили, айни вақтда, дид таҳлили ҳамдир. Дид деганда, ёқимли ҳиссиёт уйғотадиган предмет баҳосини тушунсак, у ҳолда Давид Юмнинг: «Дид ҳақида баҳслашилмайди» деган фикри тўғри бўлиб чиқади. Аммо, дид – предметнинг эстетик баҳоси, унинг гўзалликка яқинлиги сифатида олинса, баҳс бу ерда жуда ўринли бўлади, яъни дидлар ҳақида баҳслашилади, деб таъкидлайди файласуф. Бизнингча, эстетик баҳонинг умумаҳамиятлиги ҳақидаги ғояси Иммануил Кантни субъектив идеализмдан объектив идеализмга олиб боровчи дастлабки қадами бўлган. Ўз навбатида, дид муҳокамасида завқ берувчи гўзалликни

¹⁵ Г.Т.Маҳмудова, С.М.Арифханова. Зардуштийлик фалсафаси. -Тошкент: Ношир, 2014. – 111 б.

¹⁶ Лосев А.Ф. История античной эстетики. -Москва: Искусство, 1992. – 656 б.

¹⁷ Румий Ж. Ичингдаги ичингдадур. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 18 б.

Иммануил Кант эркин, деб сифатлайди. Бироқ, бизнингча, эркин гўзаллик мукамал бўлмайди. Чунки мукамаллик тушунчаси шаклан ва моҳиятан уйғун, энг олий даражадаги ҳолатдир. Мутаносиблик, тартиблилик, уйғунликка асосланувчи, комилликка оид жиҳатларни ўзида мужассам этган нарса ва ҳодиса гўзалликдир.

Диссертацияда Иммануил Кант эстетик назариясидаги улуғворлик категориясининг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган. Улуғворлик тушунчаси гўзалликдан фарқли равишда мустақил ҳолда шаклга эга эмас у, ақл ғояларига тааллуқли ҳодисадир. Уни идрок этиш кучли бир ҳаяжон билан кечади. Ғаззолий сўзлари билан айтганда: «...Уларнинг ҳосил бўлиши баҳс қилиб ўрганилса, илм ва қудрат сифатида қайтади. Сўнг, маълум нарса қанчалар улуғ ва гўзалликда тўлиқ бўлса, бу борадаги илм ҳам шунчалар улуғ ва гўзал бўлади». Шундай қилиб, гўзаллик мақсадсиз мақсадга мувофиқ, манфаатсиз, тушунчаларга асосланмас, умумаҳамиятли бўлишини таъкидлаб, улуғворлик ҳам ўз асосига кўра, гўзаллик эканини, у (улуғворлик) ўз ҳолича табиатда бўлмаслиги, яъни гўзал объектни инсон ўз тафаккури, буюк ғоялари, абадийликка дахлдор орзулари асосида эстетик идрок этади, деган қарашларида мазкур категорияларнинг трансформацияга учраганини кўрамиз.

Улуғворлик икки хил кўринишда: математик ва динамик бўлади.

Улуғворлик объектив шаклда бўлиши мумкин эмас, у ақл ғоялари асосида идрок этилувчи гўзалликдир. Бироқ, бизнинг фикримизча, улуғворлик ҳам гўзаллик каби мутлақо субъектив ҳодиса эмас. Субъективлик бунда бирламчи асосга эга дейилса, тўғри бўлади, чунки бизни ўраб турган объектив оламда ўз ҳолича улуғвор, кўркемлиги, маҳобатлилиги билан қалбларни ҳайратга соладиган объектлар кўплаб топилади.

Кант улуғворлик ҳиссиётини ахлоқийлик мезони сифатида ҳам кўриб чиққан:

- ахлоқий қонун («қатъий императив»)нинг ҳар бир инсонда мавжудлиги улуғворликдан завқланиш учун барчага бирдек имконият беради;
- у инсон учун чексиз маънавий камолот сарҳадларини очади;
- улуғворлик ҳисси, қалбнинг ахлоқийликка бўлган мойиллиги каби мойилликни талаб қилади, демак бошқача қилиб айтганда, улуғворлик ҳақидаги эстетик муҳокама, қалб – тасаввур – ақл бирлигидан иборат бўлади.

Диссертацияда Иммануил Кант қарашларида даҳоликнинг улуғворлик феномени сифатида намоён бўлиши илмий-фалсафий жиҳатдан асосланган. Эстетик маконда, айниқса, санъатда улуғворликнинг ўзига хос намоён бўлиши файласуф томонидан даҳо феномени орқали янада кенгроқ тушунтирилади. Файласуф фикрича, даҳолик бу субъектив мақсадга мувофиқлик, эркин ижод ва санъат асарининг эстетик ғояси орқали тасаввур қилинувчи буюкликдир. Яъни, ҳақиқий санъат асари ҳақида мулоҳаза қилиш учун дид керак, уни яратиш учун эса даҳо бўлиш керак. Инсоннинг билиш қобилиятлари асосида, яъни кучли тасаввур ва идрокдан даҳо туғилади, бунинг ғайритабиийлиги эса албатта, инкор этилади. Бунда одамдан ўзига хосликдан чўчимаслик, меҳнатга лаёқат ва мустаҳкам ирода талаб қилинади.

Иммануил Кант «даҳо»ни тўрт жиҳатига кўра аниқлаш мумкин деб ҳисоблайди:

- у ҳеч қандай қоидаларсиз санъат асарини яратади;
- у яратган санъат асари барчага намуна бўлади;
- даҳо бадиий ижод асарининг аниқ мақсади ва ижод жараёнини тушунтириб бера олмайди;
- даҳо илм-фан соҳасида эмас, балки санъатда мавжуд бўла олади.

Бунда тўртинчи жиҳат борасида эътироз туғилиши мумкин. Яъни, айтишимиз мумкинки, Кант даҳоларнинг макони борасида бир ёқлама фикр билдирмоқда. Чунки фан соҳасида ҳам оламшумул кашфиётлар қилган ва даҳо сифатида эътироф этилган олимлар кўп: Д.Менделеев, А.Эйнштейн, С.Хокин, Р.Пенроуз ва бошқалар. Қолаверса, атрофимизни нафақат бадиий ижод, балки илмий, инновацион ва техник ижод даҳолари яратган моддий ва маънавий қадриятлар ўраб олган. Бироқ, чуқурроқ ўйлаб кўрсак, Кант бунда нафақат ноёб истеъдод ва буюк ижодкорликни ўзида мужассам қилган инсонларни, ҳеч нарсага қарамасдан асл инсонлигича қолувчи, кенг эстетик дунёқараш ва гўзал ахлоқ соҳиби бўлган улуғвор «Инсон»ни, даҳо, деб тан олганлигини англаб олиш қийин бўлмайди.

Диссертациянинг «**Иммануил Кант санъат назариясининг ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялашдаги аҳамияти**» номли учинчи бобида олмон файласуфининг нафис санъат назарияси, унда гўзаллик ва улуғворликнинг талқини ҳамда ўзбек ёшлар эстетик дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланишида мазкур таълимотнинг аҳамияти янгича талқинда очиб берилди.

Иммануил Кант нафис санъат асарида руҳ бўлади, деб ҳисоблайди. Бу руҳ – инсон қалбини уйғотувчи омил ҳисобланади, у шеърнинг чуқур маъно-мазмунли, ҳикоянинг таъсирчан, нутқнинг гўзал бўлишини, инсон онги билан қалбини уйғун ҳолатга келишини таъминлайди.

Ҳозирги «оммавий маданият» исканжасидаги гўзаллик ва улуғворликнинг ўзига хос ғайриэстетик хусусиятлари жуда таҳликали ва маънавиятга қарши таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Бунда алоҳида эътибор қаратиш керак бўлган жиҳат шундаки, ҳар қандай санъат асарида эстетик хусусиятлар муайян нарса ва ҳодисанинг шаклида намоён бўлса-да, бунда асар моҳиятини ташкил қилувчи ижодкорнинг ҳаётий позицияси муҳим бўлиб, ундан ҳаёт масаласида ҳукм чиқаришда алоҳида масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Яъни, ижодкор ишга киришар экан, айти пайтда ҳаёт устидан ҳукм чиқариш, инсонлар тақдирига таъсир қилишдек оғир масъулиятни ўз зиммасига олаётганини ҳам англаши лозим.

Иммануил Кант: «Санъат табиатга тақлид сифатида намоён бўлса-да, бироқ фаолият ва натижасига кўра, ундан фарқ қилади. У ақл доирасидаги эркинликдир»¹⁸ деб ёзади.

Диссертацияда санъат – инсон маҳорати натижаси сифатида фандан, амалиёти, «техника» ва «технология»лари жиҳатидан назариядан фарқланиши очиб берилди. Кант бу ҳақда шундай фикр билдиради: «Агар ижодкор

¹⁸ Immanuel Kant. Kritik der Urteilskraft. Moskow: Astrel. 2005. – 178 p.

